O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Миллий тикланиш

MILLIY TIKLANISH

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 7 (444)-сон

20 ФЕВРАЛЬ Чоршанба

2008 йил – Ёшлар йили

Ёшлар эртанги кун эгаларидир. Эртанги кун ёруғ ва порлоқ бўлиши эса ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан етук бўлишига боғлиқ. Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим ва касб-ҳунар эгалари бўлишлари, маънавий баркамол шахслар сифатида шаклланишлари йўлида ҳукуматимиз, Юртбошимиз томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Қувонарлиси, ёшларимиз ҳам ўз олдиларидаги масъулиятни ҳис қилиб, бу эътибор ва ғамхўрликларга муносиб жавоб қайтаришга интилмоқдалар. Улар кўнгилларидаги орзулари, ниятлари ушалиши йўлида тинмай ҳаракат қилмоқда. Шу каби ёшлардан бири Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейи талабаси Нилуфар Зариповадир. Унинг эзгу орзулари ушалишига биз ҳам тилакдошмиз.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Раёсат йиғилиши

ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ИШТИРОК ЭТИШ

ҳар бир партия аъзосининг бурчи

«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг V Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Раёсат аъзолари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари, айрим вилоят кенгаши раислари иштирок этди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

Тадбирда республикамиз ҳаёти ва партия фаолиятига оид бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган партия кенгашлари олдида турган вазифалар кўриб чиқилди. Таъкидландики, давлатимиз раҳбари ўтган йили амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилиб, жорий йилда олдимизда турган устувор вазифаларни аниқ белгилаб берди. Юртимизда ўз ўрнига эга бўлган ЎзМТДП ҳам табиийки, унда фаол иштирок этади. Партия Марказий кенгаши ва вилоят кенгашлари бу борада ўз режаларини тузмоқда.

Инвестиция сиёсатини кучайтириш, юртимиз иқтисодиётида устувор йўналиш деб белгиланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, солиқ юкини камайтириш, ёшлар тарбиясидаги бўшлиқни тўлдиришни жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифалар деб ҳисоблайди. Мазкур йўналишлар ижросида иштирок этиш ҳар бир партия аъзосининг бевосита бурчи эканлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, партия ўз Дастури ва Уставидан келиб чиқиб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида нафақат иштирок этади, балки ташаббус ва янги ғоялар билан чиқади. Партия аъзолари Президентимиз маърузасини кенг халқ оммасига етказишни ўз олдида турган муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Раёсат йиғилишида Ҳисоб палатасининг ЎзМТДПнинг 2007 йилдаги молиявий фаолиятини текшириш натижалари, жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан «Миллий тикланиш ёшлари» ташаббускор гуруҳини ташкил этиш ва партия фаолиятига оид бошқа долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

РАҲБАР ҲАМИША ЭЛ НАЗАРИДА

Хоразм вилоят кенгаши сессиясидан кейинги ўйлар

Бугун давр ҳар бир фуқародан, айниқса, раҳбар кадрлардан ташаббускорлик, қатъиятлилик, одиллилик ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишни тақозо қилади. Тўғрисини айтиш керак, қайси бўғинда бўлмасин, бугун раҳбар бўлиш осон эмас. Унинг фаолияти, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир қадами эл назарида бўлади.

Хусусан, мамлкатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотлар изчил амалга оширилаётган ва улар ўз самарасини бераётган бир пайтда раҳбарнинг зиммасидаги масъулият янада ошиши муқаррар. Ўзининг бурчини тўла англаган, бетиним изланган, муваффақиятлардан эсанкираб қолмаган, бошқаларга ўрнак бўлган кадргина ўз вазифасида узоқ ишлаши ва одамларнинг ҳурматига сазовор бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари якинда бўлиб ўтган Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида кўп нарса раҳбарга боғлиқ эканлиги, унинг изчил фаолияти муваффақиятини таъминлаши мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Юртимизнинг шимолий ҳудудида жойлашган Хоразмда меҳнат қилишнинг ўзи бўлмайди. Маърузада таъкидланганидек, кейинги йилларда бу ерда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, ислоҳотлар натижалари, шаҳар ва туманлардаги ободонлаштириш ишларини қайд этиш зарур. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, мураккаб табиий шароитда яшаётган одамларнинг оғирини енгил қилиш ва бошқа бир қатор ибратли ишларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Лекин барча соҳага бирдай эътибор бериш, муаммоларга вақтида ечим топиш, янги-янги ғоялар, ташаббус билан чиқиш масаласида сусткашликка йўл қўйилди. Масалан, Урганч шаҳрининг бош майдонини замонавий қиёфага келтириш масаласини олиб кўрайлик. Қачонки, пойтахтдан ушбу масала бир неча бор кун тартибига қўйилиб, малакали мутахассислар жалб этилгач, бу ерда амалий ишга киришилди. Ваҳоланки, вилоят қиёфасини белгилайдиган, унинг юзи бўлган бу ерга деярли ҳар куни раҳбарларнинг кўзи тушар эди.

Замонавий касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласида, бошқа бир қатор соҳаларда ҳам муаммолар ўз вақтида ҳал этилмаган. Қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш борасида ҳам оқсоқликка йўл қўйилган. Шу боис турли хил жиноятлар кўпайди. Энг афсусланарли томони бундай қусур юқори поғонадаги раҳбар кадрлар фаолиятида ҳам кўзга ташланган.

Эътироф этиш керак, давлатимиз вилоятни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Буни ҳукумат даражасида тузилаётган дастурларда яққол кўриш мумкин. Улар албатта, ўз самарасини бермоқда.

Юртбошимиз кейинги пайтда раҳбар масъулияти, унинг инсоний фазилатлари масаласини кўпгина нуфузли йиғилишларда бот-бот гапирмоқда. Бугун раҳбар қандай бўлиши керак, у асосан нималарга эътибор бериши лозим, деган масалага одамларнинг алоҳида эътиборини қаратмоқда.

Халқимизнинг ўтмишдаги миллий бой анъаналарини, урф-одатларини давр руҳи билан бирлаштирган, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган, халқ билан ҳамнафас бўлган, ҳалолликни, одилликни ўзига фазилат деб билган раҳбар эл ҳурматига сазовор бўлиши муқаррар. Бунга ўтмишдан ҳам, ҳозирги ҳаётимиздан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Шуни айтиш керакки, ҳеч бир инсон онадан раҳбар бўлиб туғилмайди. Айни пайтда кўпчиликнинг бошини қовуштириш, одамларни ўз ортидан эргаштириш учун бирор мактабда ҳам ўқитилмайди. Бир бурда нон қандай яратилишини дилдан ўтказган, ҳаётнинг пасту баландини кўриб, қийинчиликларни енган, қўл остидаги ходимларнинг ўрнида ўрнида ўзини кўра оладиган инсон барчага бирдай маъқул етакчи бўлиши мумкин.

Раҳбар ҳамиша эл назарида деган сўзни кўп такрорлаймиз. Аксарият жамоаларда оддий одамлар корхона бошлиғига нисбатан эътиқод билан қарайди, раҳбарга тақлид қилади. Шу маънода олижаноб фазилатлар, эзгу одатлар айнан етакчи орқали сингиб боришини ҳисобга олиш зарур.

Президентимизнинг Хоразмдаги сессияда сўзлаган нутқи нафақат мазкур воҳа учун, балки барча минтақалар учун ҳам долзарбдир. Юртбошимиз кўрсатган йўл-йўриқлар ҳамма учун, айниқса, раҳбарлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши зарур.

Ҳосил КАРИМОВ.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

ЁХУД ҚАЛБНИ ДАВОЛАШ ЗАРУРЛИГИ ХУСУСИДА

Одамзот пайдо бўлибдики, бир нарсага жавоб излайди: биз киммиз, нимани биламизу нималарни билмаймиз? Билган нарсамиз бизга нимани беряпти, нимага муҳтожмиз? Эҳтиёжимиз нима ва уни қандай қондиришимиз мумкин? Бу саволларга минг йиллар давомида жавоб қидирилди. Инсонни бахтли, оғирини енгил қилиш, одамзотни урушу қирғинбаротлардан, турли миллий, ирқий, сиёсий келишмовчиликлардан асраб қолишнинг қанчадан-қанча йўллари, концепциялари, воситалари ишлаб чиқилди, диний, дунёвий таълимотлар яратилди, диссертациялар ҳимоя қилинди.

Бироқ илм-фан, маданият ривожланган учинчи минг йилликнинг бошида ҳам урушлардан жабр кўраётган, қийинчиликларга дучор бўлаётган инсонлар бор. Боз устига бундай иллатлар янги шакл ва мазмунда яна пайдо бўлиши давом этмоқда.

Энг ачинарлиси шундаки, илм-фан, ривожланиш кучайган сари инсонни тарбиялаш, унинг қалбини даволаш зарурияти долзарб бўлиб бормоқда. Воқеалар уммонида ўзини **"йўқотиб қўймаслик"** зарурати тобора кучлироқ сезиляпти. Ана шундай шароитда фақатгина ўз фикри, тафаккури, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ривожлантиришга ҳаракат қилган инсон, халқгина ўзини асраб қолиши мумкин. "Чунки ҳозирги даврда, — дейди Юртбошимиз, — халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади".

Юқоридаги иқтибосдан ҳар бир инсон ўзини-ўзи

Огоҳлик

бошқариши, қатъий фикрига эга бўлиши лозимлиги англанади. Ҳақиқатан ҳам шундай: инсонни қалб ва ақл бошқаради. Қалби хасталанган инсон учун жамият манфаатлари, миллий эҳтиёжларнинг ҳеч бир қизиғи йўқ. Шунинг учун ҳам Шарқда доимо инсон қалбининг софлиги муқаддас ҳисобланган. Мутафаккирларимиз жисмоний ўлимдан эмас, қалб ярасидан, ахлоқий қашшоқланишдан қўрқишган.

Қалб, юрак, дил — илоҳият, соф тушунчалар ҳисобланади. Қуръони каримда "қалб" сўзи 133 марта учрайди. Тустарий, Балхий, Нурий, Термизий, Faззолий каби алломалар фикрича, қалб инсон ичидаги илоҳий сир бўлиб, шу туфайли у ҳатто фаришталардан ҳам юқори туради. Қалб нарсаларнинг туб моҳиятини кўра олади, у инсон хатти-ҳаракатларини акс эттирувчи кўзгу бўлиб, савоб амаллар уни нурга тўлдиради, ёмон амаллар эса аксинча, хиралаштиради.

Демак, инсоннинг том маънодаги мавжудлиги унинг қалбида акс этади. Қалби тоза нур, эзгулик, яхшилик, гўзаллик билан тўлган ҳар қандай одам мукаммалликка интилган. Шу билан бирга, гўзал инсон, яхши тарбия фақат унинг қалби билангина белгиланмайди. Қалб билан баб-баравар ақлнинг ўрни ҳам жуда катта. Ақл энг улуғ неъматлардан бири саналади ва у инсонни доимо англаш, фикрлаш, мушоҳада этиш, тафаккур қилишга ундайди.

Масаланинг энг муҳим жиҳати шундаки, қалб юрак, дил ақл билан уйғунлашгандагина у том маънода инсонга, инсониятга хизмат қилиши мумкин, зеро Арасту таъкидлагани каби "ақл дил гўзаллиги билан қўшилса фазилатга айланади. Акс ҳолда ақл фазилат эмас". Инсонда қалб ва ақл уйғунлигига эришишнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни масаласига Шарқда айниқса, катта аҳамият берилган. Буюк мутафаккир Абу Ҳомид Faззолий

Давоми 2-бетда



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси «Ўзбекистон почта алоқасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболи» мавзуида семинар ўтказди. Анжуманни парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, Ахборот ва коммуникация масалалари қўмитаси раиси Х. Дўстмуҳамедов бошқарди.

ПОЧТА ТИЗИМИНИНГ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

замон талабларига мослаштирилмоқда

Тадбирни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад республикамиз почта алоқаси хизматлари бозорининг ривожланиш даражаси, муаммолар ва истиқболдаги режалар ҳамда жаҳон почта алоқаси хизматлари бозори тараққиётининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, соҳадаги қонунчилик асосларини кўриб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуманда мамлакатимиз ҳамда жаҳон почта алоқаси бозорининг ҳозирги ҳолати, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти томонидан аҳолига хизмат кўрсатишнинг аҳволи, муаммолар ва режалар, республикамиздаги почта алоқаси хизматининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, соҳага оид миллий қонунчилигимизнинг халқаро меъёрий ҳужжатларига мослиги юзасидан етук кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари ҳақида маърузалар тингланди.

Дунёда ҳозир почта жўнатмаларининг ҳажми сезиларли даражада ўзгармай сақланиб қолаётган бўлса ҳам, ушбу анъанавий хизмат турлари ўзининг имкониятлари туфайли курьерлик, тезкор етказиб бериш ва логистика хизматлари билан тобора ривожланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз почта алоқаси хизматлари бозорининг ривожланиш даражаси ва жаҳонда мазкур хизматларнинг замонавий тенденциялари республикамизнинг ушбу соҳадаги қонунчилик асосларини қайта кўриб чиқишни ва такомиллаштиришни тақозо этиши хусусида фикр билдирилди.

Дарҳақиқат, почта алоқаси тўғрисидаги қонун 2002 йилда қабул қилинган эди. Коммуникация тизими ривожланиб бораётганлиги туфайли уни ўзгартиришни давр тақозо қилмоқда. Семинар иштирокчилари янги таҳрирдаги «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилиб, уни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар беришди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман, БМТ Ривожланиш дастури «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

Партиянинг Янгиариқ туман кенгаши томонидан «Навоий ғазал мулкининг султони ва буюк мутафаккирдир» мавзуида тадбир уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Навоий — ғазал мулкининг султони» мавзуида иктобхонлар анжумани бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Қўшкўпир туман кенгаши томонидан «Алишер Навоий — шоир, адиб, аллома», «Бобурдек севса ҳар ким Ватанни» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан «Соғлом турмуш тарзи мустаҳкам оиланинг гаровидир» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Денов туман кенгаши томонидан «Ёшлар — келажагимиз пойдевори» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Денов туман кенгаши ташаббуси билан «Эл соғлиги — юрт бойлиги» мавзуида тадбир ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Тарихий ҳақиқат саҳифалари

Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари халқнинг энг оммавий ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар сайловчилар томонидан сайланган турли ижтимоий табақалар вакилларидан шаклланади. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунига (1994 йил 5 май) биноан, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларининг ҳар бирида 60 тадан, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларининг ҳар бирида эса 30 тадан кўп бўлмаган депутатлар бўлиши белгиланган. Шунингдек, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати 5 йилдан иборат эканлиги белгилаб қўйилди.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ

Ўн биринчи мақола

Вилоят, туман ва шаҳар маҳаллий кенгашлар фаолиятини ташкил этиш, фаолият юритиш, уларнинг ишлаш шакллари ва услублари, ўз ҳудуди доирасида ўзини-ўзи бошқаришнинг ривожланишини изчиллик билан такомиллаштириш ва демократлаштириш мамлакат сиёсий тизимини ҳуқуқий давлатга хос бўлган даражага олиб чиқиш мақсади билан узвий боғлиқдир. Жамият сиёсий тизимини чуқур ислоҳ этиш жараёнларида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва улар органларининг фаолияти тобора фуқаролик жамиятининг институтларига айланиб боради.

Конституциявий тузум асосларидан келиб чиқиб, вакиллик ижроия органларига ҳам ҳокимлар раҳбарлик қилиши натижасида уларнинг фаолияти янада такомиллашиб боради. Лекин шу билан бирга, жамиятнинг ҳамма соҳаларини эркинлаштириш ислоҳотларининг бошланганлиги туфайли ҳам уларнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти сифатида алоҳида фаолият юритишига доир ислоҳотлар мақсадлари белгиланмоқда. Ундан кутилган асосий мақсад маҳаллий, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарлик қилишда кенг жамоатчиликни тобора кўпроқ жалб қилишдир.

Ҳокимлар билан маҳаллий вакиллик органларининг муносабатлари, давлат органлари тузилишида мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан янги муносабат бўлиб, бу республика мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Мустақиллик натижасидаги ҳокимлик институти вужудга келди. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуришнинг жорий этилиши эса давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципига амал қилиш учун шароит туғдирди. Натижада, аввалгидек, вакиллик органларига бўйсунувчи эмас, балки улар билан тенг ҳуқуқли ижро ҳокимияти органлари вужудга келди. Ана шу тенглик ҳокимлар билан вакиллик органлар муносабатининг негизини ташкил этади. Муносабатлар тенглик, мустақиллик асосида қурилади, аммо аввал айтганимиздек, ҳар икки органда бир-бирини назорат қилиб туришни таъминловчи самарали усуллар мавжуд.

Ҳокимларнинг ижро ҳокимияти органи сифатида вужудга келиши, вакиллик органи билан ижроқўм ўртасидаги муносабатлардан тубдан фарқ қилувчи муносабатларнинг пайдо бўлишида, вакиллик органлари (советлар) ҳамма масалаларни ҳал қилади, деган декларатив қоиданинг бекор қилинганлиги муҳим бўлди. Ҳар икки орган ваколатлари, вазифалари ва улар ихтиёридаги масалалар доираси аниқ белгиланиши вакиллик органлари билан ижроия ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар хусусиятини ўзгартирди ва ижроия органларининг кундалик фаолиятига депутатлар, вакиллик органлари ортиқча аралашувларига чек қўйди. Депутатлар ва вакиллик органларининг ижро ҳокимияти фаолиятига бўлар-бўлмас аралашуви ижро ташаббускорлигини чегаралар эди. Янги муносабатлар эса ижро ҳокимияти ташаббускорлиги учун кенг имкониятлар очиб берди. Вазифа ва ваколатларнинг аниқ белгиланиши ижроқўмлар советларга тааллуқли ҳамма масалаларни ҳал қила олади деган қоидани барҳам топишига олиб келди, натижада ижро ҳокимиятининг вакиллик органларидан устунлигини таъминловчи сабаб барҳам топди.



Вужудга келган янги муносабатлар вакиллик органларининг мутлақ ваколатлари доирасининг кенгайиши ва ижро ҳокимияти органларининг мустақил ваколатларининг кенгайганлигида ўз аксини топди. Яъни вакиллик органлари «ҳамма масалаларни ҳал қила олади» деган ҳуқуқни йўқотиши, уларнинг мутлақ ваколатларининг кўпайиши билан ижроия ҳокимияти ўртасидаги муносабат бир томондан вакиллик органларининг мутлақ ваколатлари кўпайиши билан, иккинчи томондан ижро ҳокимияти органларининг мустақил ҳуқуқлари кўпайиши билан тавсифланади.

Ҳокимлар билан вакиллик органлари муносабати ҳокимиятнинг бўлиниш принципини ўзида акс эттира олган. Буни аввал ҳам айтганимиздек, вакиллик ва ижро ҳокимияти ваколатларининг аниқ ажратилганида кўрамиз. Ижроқўмлар советларнинг ваколатини (қонунга асосан) амалга оширган бўлса, ҳокимнинг ваколати унинг шахсан ваколати сифатида мустаҳкамланган ва ўз навбатида шу ваколатни амалга оширишда, тегишли қарорлар қабул қилишда уларнинг жавобгарлиги ҳам белгиланган. Ҳозирги вакиллик органлари ҳоким ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқини ўзига ола олмайди.

Яъни вакиллик органлари билан ҳокимлар ўртасидаги муносабат бир томондан вакиллик органларининг мутлақ ваколатлари кўпайиши билан, иккинчи томондан ижро ҳокимияти органларининг мустақил ҳуқуқлари кўпайиши билан тавсифланади.

Мунирахон ҚОРИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Давоми. Боши 1-бетда

ўзининг “Кимиёи саодат” асарида инсон танасини мисоли шаҳарга ўхшатади. Унинг айтишича **қалб, дил — бу шаҳарнинг подшоҳи. Ақл — бу шаҳар подшоҳининг вазири.**

Назаримизда, қўйилган масалага бундан ортиқ изоҳ йўқ. **Қалб билан ақл уйғунлашган жойда ривожланиш, яхшилик, эзгулик, гўзаликка интилиш бор.** Қалб, дил ва ақл ўртасидаги келишмовчилик эса барча зиддиятлар, ноҳақликлар, адолатсизликларнинг манбаидир. Шубҳасиз, ушбу ҳолатда қалб, дил, юракнинг ўрни, аҳамияти каттадир. Буюк алломаларимиз қайд этганлари каби инсонни, пировард натижада жамиятни маърифат булоғидан суғоришнинг йўли шахснинг маънавият, маърифатга ошуфталигидадир. Муаммога бошқачароқ муносабатда бўлсак, инсонни ва жамиятни турли бало-қазолардан асрашнинг ягона йўли қалбни даволаш, уни соғломлаштиришдир.

Бу йўлда мамлакатимизда мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Маънавият-маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Маданиятнинг мақсади, ижтимоий функциялари ўзгарди. Агар аввал маданият давлатнинг, ҳукмрон сиёсий мафкуранинг империячилик мақсадларини амалга оширишнинг воситаси саналган бўлса, энди у инсон мукаммаллигини таъминловчи, миллатни бирлаштирувчи, уюштирувчи, ягона миллий манфаатга хизмат қилувчи ҳодисага айланди.

Натижада миллий-маданий, тарихий меросимизни ўзимизга қайтариш имконига эга бўлдик. Миллатнинг мавжудлиги унинг маданиятида акс этиши тўғрисидаги ҳақиқат том маънода қарор топа бошлади. Миллий маданиятимизнинг тиклана бошланиши бизни жаҳон майдонидаги ўрнимизни белгилашга кўмак берди. Ушбу ижобий жараёнлар силсиласида Юртбошимиз томонидан эълон қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойишини алоҳида таъкидлаш лозим. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, бу ҳужжат жамиятни янада маърифатпарварлаштириш, инсоний фазилатларга устувор тавсиф бериш, инсон қалбида эзгулик, яхшилик, адолат тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жиддий қадамдир.

Шу билан бирга, дунё тобора глобаллашиб бораётган, барча соҳаларда интеграция жараёнлари авж олаётган ҳозирги даврда жамиятимиз айрим фуқароларида, айниқса, ёшлар онгида кучли тафаккурий ўзгаришлар содир этиш долзарб бўлиб қолмоқда. Айрим ёшларимизда эгоизм, худбинлик, жамият манфаатларига беписандлик каби иллатларнинг мавжудлиги, бунда Ғарбнинг таъсири кучайиб бораётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Бундай мураккаб шароитда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишдан ҳам муҳимроқ иш йўқ. Бунинг учун энг аввало, ёшларимиздан ўз маънавий қиёфасини бойитишга имкон берадиган соғлом эҳтиёжни шакллантириш ўта зарурдир.

Соғлом маънавий эҳтиёж инсоннинг қалбини нурга, яхшилик, эзгуликка тўлдирувчи, уни ёмон иллатлардан ҳимоя қилувчи восита ҳисобланади. Соғлом эҳтиёжни шакллантириш учун эса мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишимиз лозим. Бундай ҳолатни аниқлаш учун эса, назаримизда, қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

Биринчидан, бугунги ёшларнинг шахс сифатидаги мақомида қайси сифатлар устувор аҳамиятга эга бўлмоқда: моддий бойликми, амалга ўтиришми, билим олишми, умумий маданий савияни оширишми? Иккинчидан, маънавий неъматлар — бадиий асарлар, кино-театр асарлари, оммавий ахборот воситалари нашрлари ёшларимизнинг қизиқишларини ўрганган ҳолда яратиляптими? Учинчидан, давлат, ҳокимиятнинг турли поғоналарида айниқса, қуйи поғоналарида ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, уларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш йўлидаги фаолияти ҳозирги кун талабига жавоб бера оладими? Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти муносабатлари табиатидан келиб чиққан ҳолда жамиятимиз фуқаролари маданий савиясини оширишга кўмак бериш мумкин бўлган ҳомийлик ҳаракати савиясидан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми?

Жамият маънавий қиёфасини белгилашда, фуқаронинг соғлом маънавий эҳтиёжини шакллантиришда, шак-шубҳасиз, юқоридаги саволларга берилган жавоблар муҳим аҳамиятга эга. Фуқаро маънавий эҳтиёжини шакллантириш ўта мураккаб ва маълум вақтни талаб этади. Бунинг учун энг аввало, шахсда ўзини-ўзи ривожлантиришга мойиллик муҳити лозим. Бу эса, кўпроқ, оила, маҳалла, ўқиётган ёки ишлаётган билим юрти, муассаса, ташкилотдаги, умуман, жамиятдаги ўрнак ва ибрат масаласига боғлиқ. Бу биринчи масала.

Масаланинг иккинчи жиҳати ён-атрофимизда, дунёнинг бошқа мамлакатларида ёшларга тақдим этилаётган турли маънавий “неъматлар” савиясига боғлиқ. Маълумки, “садизм” ибораси француз ёзувчиси маркиз Де Сад (1740-1814 йиллар) номи билан боғлиқ. Садизмнинг маъно-моҳияти — жиноий бузуқлик, ёстиқдошига жисмоний азоб етказилган тақдирдагина ҳузур қилинади, ҳаддан ташқари шафқатсизлик, бошқаларнинг азобланишидан ҳузурланиш демак. Таниқли адиб М. Шоҳонов таъкидлаганидек, Де Сад асарларида тасвирланган маънавий қашшоқлик, ашаддий шафқатсизлик манзаралари фақат лаънатлашга лойиқ. Ўз онасини зўрлаган муртад, қизини ўзига ўйнаш тутиб, сўнг унинг мурдасини овлоқ жойга элтиб ташлагувчи восвос ота ҳақидаги парчаларни ўқишнинг ўзи ҳам азоб. Шундай бўлса-да, де Сад китобларини ўқишга муштоқ бўлган китобхонлар жуда кўп.

Инсоннинг гўзал фазилатлари, унинг муқаддаслигини ифода этувчи асарлар билан бирга уни камситувчи, ерга урувчи айрим “асарлар”нинг юзага келиши, шубҳасиз, фуқаро маънавий эҳтиёжини вульгаштиради. Босқинчилик, ур-йиқит, зўравонликни мунтазам равишда “томоша қилувчи”, “ўқийдиган” кишидан нимани ҳам кутиш мумкин? Соғлом маънавий эҳтиёж ёмон одамни яхши одамга, яхши одамни эса гўзал хулқли инсонга айлантиришни ифода этувчи маънавий бойликлар асосидагина шаклланиши мумкин.

Муаммонинг учинчи жиҳати ҳам бор. Шу нарса маълумки, фуқаро, пировард натижада миллат ўзга шахс ва миллатнинг маънавий “бойликлари”ни ўзлаштиришга, уларни “культ” даражасига кўтаришга мойиллик ҳолатлари мавжуд. Бунинг учун аввало ўша шахс ёки миллат маданияти бошқалар маданий тараққиётидан сустроқ бўлади. Бошқа томондан эса шахс ва жамиятда ўзини-ўзи ривожлантиришга бўлган ҳаракат кам бўлади.

Ўзбек халқи ўз миллий-маданий тараққиёти билан жаҳонда алоҳида ҳурмат ва эъзозга эга ҳисобланади. Бу — эътироф этилган аксиома. Ана шу миллий-маданий бойликларни халқимиз онги-шуурига сингдириш, уларнинг қалбига жо этиш асосида миллат маданий-маънавий қиёфасини шакллантириш мумкин. Биз кўпинча соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантириш тўғрисида гапирамиз, унинг зарурлиги хусусида ўз мулоҳазаларимизни билдирамиз — бу тўғри. Аммо яна шу ҳам маълумки, жаҳон амалиётида соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришнинг умумэътироф этган ягона йўли йўқ. Бундай эҳтиёж, бир томондан миллатнинг миллий-маданий-тарихий мероси, жамият фуқароларининг мазкур мероса бўлган муносабати натижасида шаклланса, бошқа томондан, давлатнинг миллий-маданий меросга, уни фуқаролар томонидан ўзлаштиришга бўлган муносабатига боғлиқ.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчи эдик: А. Чехов асарлари 146 марта, А. Пушкин асарлари 89, Н. Гоголь асарлари 68, Ф. Достоевский асарлари 46, А. Толстой асарлари 44 марта экранлаштирилган, уларнинг асарлари асосида бадиий фильмлар яратилган экан. Дунёда асарлари энг кўп экранлаштирилган адиб В. Шекспир бўлиб, у 300 тани ташкил этаркан.

Албатта, юқорида номлари зикр этилганларга мумтоз адиб сифатида бутун жаҳон, жумладан биз ҳам тан берамиз. Айни пайтда ўзбек халқининг бой маданий, илмий меросини яратган, унга асос солган олиму фузалоларимиз, мутафаккирларимиз тўғрисида, улар яратган бой илмий-маданий мерос ҳақида биз ёш авлодга бераётган билимларимиз, уларни бадиий образлар орқали етказиб бериш даражамиз ҳозирги кун талабларидамикин? Шу ўринда ёшларимизга уларнинг ёш, миллий хусусиятлари, қизиқишларини эътиборга олиб турли мавзуларда қизиқарли китоблар, бадиий, ҳужжатли асарлар нашр этсак, кинофильмлар яратсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Қолаверса, биз ёшларимизда соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришимиз учун уларда миллий-маданий тарихимиз ҳақида етарлича билим, тасаввурлар беришимиз лозим. Масалан: Зараутсой (Сурхондарё) қоятош суратлари юртимизда бундан 14-15 минг йил аввал илк санъат асарлари пайдо бўла бошлаганлигидан, бу жаҳонга машҳур Испаниянинг Алтамира, Франциянинг Ляско ғорлари деворий суратлари қадр-қимматидан кам эмаслигини ёшларимизга билдиришимиз соғлом маънавий эҳтиёжнинг туғилишига қизиқиш уйғотмасдан қолмайди. Бундан 5 минг йил илгари аждодларимиз бронза металл эритиш технологиясини ўзлаштиришган. Мис ва қалай ёки мис билан қўрғошин аралашмасидан бронза метали кашф этганлар. Бизнинг аждодларимиз сифатли бронза олиш учун мис билан қўрғошин аралашмаси 9:1 нисбатда, уни яратиш ҳарорати 930-1030 даража бўлишини минг йиллар илгари билганлар. Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино ўрта аср мусулмон Шарқида, хусусан Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида 35 та илм йўналиши мавжудлигини таъкидлаб, уларнинг ҳар бирига тавсиф берган.

Хўш, биз нима учун бундай мисолларни келтиряпмиз. Гап шундаки, маънавий эҳтиёж ўз-ўзидан, қуруқ жойда пайдо бўлмайди. Қолаверса, ўқувчининг, оддий фуқаронинг бундай эҳтиёжини маъмурий йўллар билан шакллантириш ҳам мумкин эмас. Мажбуран китоб ўқитиш, саҳна асарини томоша қилдириш мумкин. Аммо бу йўлдаги маъмурий усул ўқувчининг маънавий эҳтиёжини шакллантиришдан кўра кўпроқ акс таъсир этиши мумкин. Шу маънода бизнинг жамият аъзолари ўртасида олиб борадиган ишларимиз, маънавий-маърифий тадбирларимиз ўз мақсад-муддаомизга етяптими, улар соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришга хизмат қиляптими — буни аниқлаш жуда муҳим. Қолаверса, соғлом маънавий эҳтиёж фуқарода эркин тафаккур қилиш, фикрий мустақилликка эришишни таъминлайди. Бу ҳақида И. Каримов шундай деган эди: ”Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда”.

Юртбошимиз таъкидлагани каби, олиб бораётган тарғибот-ташвиқот, маънавий-мафкуравий ишларимиз аниқ, мақсадли йўналтирилмас экан, ундан ҳеч ким ҳеч қандай наф кўрмайди. Фуқаронинг қизиқиши, хусусиятлари, ёши ва бошқа жиҳатлари эътиборга олиниб ўтказиладиган ҳар қандай тадбир бир томондан, ўша шахснинг соғлом маънавий эҳтиёжини шакллантиришга хизмат қилса, бошқа томондан, унинг маънавий қиёфасини бойитишга, мустақил шахс сифатида тарбия топишига имкон беради. Дарҳақиқат, баркамол инсон тарбияси, айниқса, ёшлар қалбида яхшилик, эзгулик, миллат ва Ватанга меҳр қўйиш сифатларини шакллантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бемақсад, самарасиз юзлаб тадбирлардан битта маънили суҳбат ёки мулоқот кўпроқ наф бериши мумкин. Буни барчамиз биламиз. Бироқ, тадбирларимизнинг бесамарлигига яна бир бошқа сабаб борга ўхшайди

Гап фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда, улар қалбида яхшиликка ошнолик сифатларини уйғотишда мавжуд вазиятни яхши англаб ета олмаётганлигимиз ҳақида кетяпти. Шу ўринда мамлакатимиз ёшлари маънавий-мафкуравий харитасини яратишни жуда мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлаймиз. Ушбу, шартли “харита”да ёшларимизнинг хусусиятлари, қизиқишлари, интилишлари, мақсадлари ўз мужассамини топган бўлиши муҳимдир. Масалан, қайси ёшда Алишер Навоийни қандай талқин қилиш ҳақида ўйламас эканмиз ва уни кекса-ю ёшга бир хил тарзда “тарғиб-ташвиқ” этаркан-миз, ундай асар бир тоифа одамга бир хил, бошқаларига эса тамомила ўзгача таъсир этиши мумкин.

Ёшлар қалби шаклланиш жараёнида бўлади. Бу жараён тўғри белгиланмас экан, — инсоннинг виртуал дунёга кириб қолиш эҳтимоли кўп бўлади. Бундай дунёда инсон қалбида ҳали тўла англаб етилмаган қандайдир ғайриодатий ўзгаришлар рўй беради, ундайларда турли тубанликларга тушиш эркинлик сифатида таҳлил этилади. Яна шу нарса маълумки, виртуал дунёда инсон маънавий жавобгарликни ҳис этмайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, виртуал дунё, унинг замонавий ахборот технологиялари бағрида яратилиши атом бомбасининг кашф этилишидан ҳам хавфли. Ҳозир айрим ёшларимизнинг виртуал дунёга тушиб қолиши, уларнинг реал дунёдан аҳралиб қолаётганликларининг икки сабаби бор, деб ўйлаймиз. Биринчидан, ундайлар ўзининг мустақил маънавий қиёфасига эга эмас. Натижада “четда” ги нарсалар уни ўзига тортади, аста-секин реал дунёдан оёғи узилганини сезмай қолади. Иккинчидан, бундай тоифадаги ёшларда ўзини-ўзи ривожлантиришга эҳтиёж йўқ, шунингдек, бу нарса уларни мослашувчанлик, эргашувчанлик кайфиятига тушириб қўяди.

Ёшларимизни виртуал дунёга тушиб қолишидан асраш, уларнинг қалбини эзгулик, яхшилик уруғлари билан тўлдириш учун энг аввало бундайларни маргеналлик ҳолатидан чиқариш лозим. Маргеналлик айрим шахс ёки гуруҳнинг жамиятда муайян ижтимоий гуруҳ, табақа, қатламга мансуб бўлмасдан “чеккада”, “ораликда” қолишидир. Бошқача сўз билан айтганда, маргеналлик ҳолатида у ёки бу шахс “аросатда” қолиши мумкин. Жамият, оила, маҳалла таъсиридан “чиқиш” эса маргеналлик ҳолатига тушган шахсда бепарволик, уқувсизлик, ижтимоий ҳаётдан бегоналашувни юзага келтиради. Бундай ҳолатга тушган шахснинг асосий “хусусиятлари” жамият муаммоларига эътиборсизлик, сустлик, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг сусайиши, бефарқорликда кўринади. Бундайларнинг қалби шикастланган бўлади. Бундай шахснинг бошқалар таъсирига тушиш имкониятлари доимо юқори бўлади. Бу — жамият ва миллат учун ўта хавфли. Шунинг учун ҳам бизнинг маънавий-маърифий фаолиятимиз айрим ёшларимизда мавжуд бўлган маргеналлик ҳолатини бартараф қилишга қаратилиши лозим.

Агар биз тарбияланувчининг қалбини поклай олсак, унга инсонни севиш, ҳурмат қилиш, эъзозлаш уруғларини сепа олсак, шубҳасиз, жамиятнинг соғлом маънавий қиёфасини яратган бўламиз. Зеро, Шарқда доимо моддий оламдан руҳ оламига кўтарилиш, қалбни тозалаш инсоннинг комиллик сари ташлаган қадами сифатида баҳоланган.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ЎзМТДП ташаббуси билан

НАМАНГАНДА МАДАНИЯТ ТАДБИРЛАРИ

Наманган шаҳар ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан фаол, ташаббускор ёшлар иштирокида ёш авлоднинг ҳуқуқий-сиёсий онгини ошириш, уларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини кучайтириш мақсадида «Ёшлар парламенти» тузилди.

Унинг аъзолари мактаб, коллеж, академик лицей, олийгоҳлардаги тенгқурларининг ўқишларига, фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишларига ёрдам беради, ёшларнинг ишга жойлашишларига, таклиф ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга кўмаклашади.

Ёшлар йили муносабати билан ҳам вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар шулар жумласидандир.

Шаҳардаги Бобур номи билан аталадиган хиёбонда бошланган бобурхонлик тадбирларида устоз муаллимлар, ёшлар, «Миллий тикланиш» партияси фаоллари, адабиёт ва санъат ихлосмандлари жамулжам бўлдилар.

Анжуманда сўзга чиққанлар Мирзо Бобурнинг бизгача етиб келган бой маънавий меросини ўрганиш, шоир ижодидаги маънавий сабоқлар хусусида гапирдилар. Бу каби тадбирларнинг ёшлар қалбида улуғ аждодларга, муқаддас заминимизга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқиёс эканлиги алоҳида таъкидланди.

Оқилхон ДАДАБОЕВ.

ЧЎЗИЛГАН МОЖАРО

Аслида узоқ давом этган можаронинг қисқача тафсилоти шундай: 1993 йил 17 сентябрда Андижон вилоятида «Хизмат» концерни ташкил этилади. Концернга таъсисчи бўлиб Андижон вилоятидаги 69 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси кирган. Ушбу таъсисчилар иштирокида акциядорлик жамияти тузилиб, жамият раислигига Мавлуда Қодирова сайланади.

Таъсисчилар қонунда белгиланган тартибда ўз улушларини маблағлари орқали киритган. Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг 1993 йил 17 сентябрдаги буйруғи асосида ўша йилнинг октябрь ойида жамиятга давлат ордери берилади. Ордерда иштирокчи таъсисчилар улуши ва таъсисчилар сони, уларнинг имзоси бўлиши шарт эди. Аммо...

«Хизмат» концерни турли йилларда бир неча бор қайта ташкил этилди. Жумладан, жамоа очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Таассуфки, ташкилотнинг мулкчилик шакли ўзгаргани билан ишлар эски тартибда давом этаверди. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси 2-қисмида «Жамият муассислари уни тузиш тўғрисида ўзаро таъсис шартномасини имзолайдилар, шартномада уларнинг жамиятни таъсис этиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартиби, жамият устав фондининг миқдори, муассислар ўртасида жойлаштирилиши керак бўлган акцияларнинг хиллари ва турлари, улар учун тўланадиган ҳақ миқдори ва мажбуриятлари белгилаб қўйилади», деб кўрсатилган. Ушбу акциядорлик жамиятида эса афсуски, қонуннинг бу талаблари бажарилмади.

Мулкдорларнинг ўзларига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқлари поймол этилди. М. Қодирова ўз манфаатини кўзлаб, улуш қўшмасдан «Хизмат» концерни номига давлат ордерини расмийлаштириб олишга эришган. Таъсисчилар эса мулк эгалигидан маҳрум этилганлигидан бехабар қолишган. Лекин улар ҳозиргача юридик шахс сифатида фаолият кўрсатиб, давлатга бож, мулк солиқлари ва бошқа солиқларни тўлаб келишаётир. Қонуний жиҳатдан олганда улар 1993 йилдан то шу кунгача мулк эгалари ҳисобланади.

М. Қодирова ва таъсисчилар ўртасидаги низо 2006 йил 13 октябрда гўё якунлангандай бўлди. Ўз ҳуқуқларини тиклаш мақсадида таъсисчилар мазкур ҳолатга қонуний баҳо беришини сўраб Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасини судга беришди. Андижон вилояти Қўрғонтепа туманлараро фуқаролик судида бу даъво судья Ж. Қорабоев раислигида кўриб чиқилиб, таъсисчиларнинг даъвоси тўла қаноатлантирилди.

Суд қарорига кўра, Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг 1993 йил 17 сентябрдаги буйруғига асосан 1993 йил 20 октябрда берилган 154-давлат ордери бекор қилинди. 1993 йил 21 октябрда «Хизмат» концерни ва «Андижон — хизмат» акционерлик жамиятини тузиш тўғрисидаги таъсисчилар шартномаси ҳам бекор қилинди. Андижон вилояти адлия бошқармасининг давлат рўйхатидан ўтказилган «Андижон — хизмат» акционерлик жамияти низоми ҳақиқий эмас деб топилди. Фуқаролик суди Давлат мулк қўмитаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармасига белгиланган тартибда ва муддатда «Андижон — хизмат» очиқ акционерлик жамиятининг таъсисчилари бўлган собиқ «Хизмат» концерни таркибидаги юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ишларини якунига етказиш мажбуриятини юклаган.

Давлат мулк қўмитаси даъвони тўлиқ

Инсон ва қонун

тан олиб, судга тақдим этган ўз хулосаларида хусусийлаштириш жараёнида моддий ҳуқуқ нормалари бузилганлиги хусусида маълумот берган. Аммо суд қароридан норози бўлиб М. Қодирова фуқаролик судининг апелляция инстанциясига шикоят билан мурожаат қилган. Аризани фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти суди эса 2007 йил 16 январда апелляция инстанция судининг мажлисида вилоят суди раиси ўринбосари Ш. Абдураззоқова раислигида, судьялар Н. Халилова, О. Сулаймонова-лар иштирокида кўриб чиқиб, биринчи инстанция қарорини ўз кучида қолдирди.

Шундан сўнг М. Қодирова бир неча бор ушбу масалада Олий судга мурожаат қилди. У ўз аризаларида таъсисчилар қилаётган даъвонинг муддати ўтиб кетганини рўкач қилиб даъвони рад этишни сўраётир. Судлар мазкур низоли масала бир қатор мулкдорлар мулк ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-моддаси 5-бандида мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузилишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузилишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларига даъво муддати жорий қилинмайди, деган талабдан келиб чиқиб ушбу низоли муносабатга даъво муддатини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.

Шикоят аризалари ҳар гал асоссиз деб топилса-да, М. Қодирова юқори идораларга мурожаат қилишдан тўхтамаяпти. Мазкур низо чўзилаётганлиги сабабли таъсисчилар, яъни мулкдорлар ўз мулкларига қонунда белгиланган тартибда ордер ололмаётир.

Шу ўринда судлар эътиборига яна бир маълумотни ҳавола этмоқчимиз. Прокуратура идоралари томонидан хусусийлаштириш жараёнларида ҳужжатларни йўқ қилиш юзасидан буйруқ чиқарганлиги учун М. Қодировага нисбатан жиноят иши қўзғатилган. М. Қодированинг тергов ҳаракатлари давомида айбига иқрор бўлиб берган ёзма аризасига биноан Андижон шаҳар прокуратурасининг 2000 йил 30 ноябрдаги қарори билан жиноят иши Президентимизнинг 2000 йил 28 августдаги Амнистия тўғрисидаги Фармонига асосан ҳаракатдан тўхтатилган.

Ҳақли савол туғилади: 69 та ҳуқуқий шахс мақомидаги корхоналарга мулк ҳақида битта ордер бериш мумкин эмаслигини наҳотки мутасадди ташкилотларнинг масъуллари билишмаса? Юзлаб маиший хизмат билан шуғулланаётган ходимлар меҳнат қилаётган корхоналар масъуллари эса ўз мақомига эга бўлолмай сарсон бўлишмоқда. Юртбошимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам давлат объектларини хусусийлаштиришда энг асосий тамойил — бу ишнинг кўзини биладиган, омилкор мулкдорларни жалб этиш, корхоналарни ҳақиқий эгасига бериш ва шу йўсинда хусусийлаштириш соҳасидаги ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлиги алоҳида уқтирилди.

Судьялар ва суд ҳайъатларининг машаққатли меҳнатларини доимо қадрлаймиз. Мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, улар излаётган ҳақиқатнинг қарор топишида Олий суд ўз сўзини айтади деган умиддамиз.

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Мамлакатимизда истиқлол йиллари таълим соҳасидаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш натижасида юзлаб академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари қурилди, капитал таъмирланди. Улар замонавий мебеллар, ўқув лаборатория ускуналари билан жиҳозланди. Компьютер синфлари, лингофон хоналари ташкил этилди. Ёшларга эътибор ва ғамхўрлик, навқирон авлоднинг иқтидорли ва истеъдодли вакилларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифага айланди. Фарзандларимизнинг замонавий билим олиши, ҳаётда керак бўладиган касбга эга бўлиши учун олиб борилаётган тадбирларнинг сифати ва самараси ҳам ортиб бораётгани айни муддао.

ЖИЗЗАХ:

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

Жиззах вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида учта академик лицей, қирқ тўққизта касб-ҳунар коллежи мавжуд. Ўқув муассасаларида 43 минг 387 нафар ўқувчи-талаба таҳсил олиб, касб-ҳунар ўрганишмоқда.

Бошқарма бошлиғи Насиба опа Мавлонова ҳузуридамиз.

— Ёшларга эътибор ва ғамхўрлик қилиш, уларнинг маънавий оламини бойитиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир, — дейди у. — Ёш авлоднинг энг катта орзуи — танлаган мутахассислиги сирларини чуқур эгаллашлари учун барча шарт-шароитларни яратиш йўлида ҳаракат қилаётирмиз.

Бошқарма бошлиғи тақдим этган маълумотномада жорий йилнинг январь ойи мобайнида таълим муассасаларида амалга оширилган тадбирлар баён этилган. Айниқса, бу борада қишлоқ хўжалигига мутахассислар етказиб берувчи ўқув юртларининг улуши катта. Уларнинг 26 тасида вилоятдаги ўн мингдан ортиқ фермер хўжаликлари раҳбарларининг ўқув семинарларини ташкил этиш режалаштирилган эди. Фермерлар ўқув семинарларда фаол иштирок этиб, тегишли сертификатларга эга бўлди. Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри биносида вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқарма тизимидаги таълим муассасалари ҳамкорлигида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Шунқор йигитлар» ва «Шунқор қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

«Экосан» халқаро ташкилотининг муруввати ёрдамида 16 та касб-ҳунар коллежининг кам таъминланган ўқувчиларига қувонч бахш этилди. Зафаробод маиший хизмат ва Жиззах санъат коллежларида Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Сиз турмушга тайёрмисиз?» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Ёшлар йили муносабати билан «Менинг Ватаним» мавзуидаги расмлар кўрик-танлови, қўшиқчилик маҳорати бўйича тадбирларнинг иқтидорли ёшларни аниқлаб олишда аҳамияти катта бўлди. Дарҳақиқат, ҳар бир йигит-қизнинг ўзига хос қобилияти ва истеъдоди бўлади. Буни ўз вақтида пайқаб, рўёбга чиқариш жуда муҳим.

Жиззах шаҳар педагогика коллежидамиз. Бу замонавий ўқув даргоҳидаги қулайликлар ва шарт-шароитларга ҳавасингиз келади. Шинам, иссиқ ва ёруғ ўқув хоналари, мебель, компьютер ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган билим масканида 1842 нафар ўқувчи бошланғич таълим, мактабгача таълим, тасвирий санъат, жисмоний тарбия йўналишлари бўйича таҳсил олаётир. Уларга 148 нафар педагог сабоқ беришмоқда. Г. Ҳазратқулов, Р. Зокиров, У. Мўминов, Ш. Раҳимов, Ш. Донишев, Р. Пардаева, Ж. Пайзиқулова, Р. Соатов, А. Пардаев, О. Тўхтаев, М. Ҳайитов, У. Сиддиқов каби ўз соҳасининг тажрибали эгалари бўлган устозлар ҳақида қанча илиқ сатрлар битса арзийди.

— Спорт мусобақалари, фан олимпиадалари, турли кўрик-танловлар ёш истеъдодларни кашф этаётир, — дейди коллеж раҳбари Мавжуда Алиева. — «Маърифатли юрт фарзандимиз» кўрик-танловида иқтидорли ўқувчимиз Ирода Отабекова вилоятда биринчи, республикада тўртинчи ўринни эгаллади. «Ўйла, изла, топ» телемусобақасида коллежимиз ўқувчиларидан тузилган жамоа вилоятимизда биринчи, республикада иккинчи ўринни олди. Ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашлари учун замон ўртага қўяётган янги-янги вазифаларни амалга ошириш учун бор куч-ғайратимиз, имкониятимизни ишга солаяпмиз. Ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган 150 нафар ўқувчи турар жой билан таъминланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жамол ака Камолов раҳбарлик қилаётган Жиззах шаҳар уй-жой коммунал хўжалиги коллежидан бир олам таассуротлар олдик. Ўқув даргоҳидаги ободончилик, тартиб-интизом, ўқувчиларга яратилган қулай шарт-шароитлар ҳайратимизни оширди. Бинога киравериштан кўринадиган жойга ўрнатилган телевизор экранида юртимиз ҳаётига ва таълим соҳасига оид лавҳалар кўрсатилаётир. Танаффус пайтида ўқувчилар кўрсатувларни томоша қилиб фикр доираларини кенгайтиришлари учун имкон яратилган. Ҳар бир синф хоналарига кириш жойларида шу фанларга оид кўргазмали маълумотлар бор. Коллеж залларида кўринарли жойларга ҳикматли сўзлар ёзиб қўйилган. Булар ўқувчи ёшларда мустақил ва эркин тафаккурни шакллантириш ҳамда ғоявий тарбияни амалга ошириш, уларни она-Ватанимизга садоқат, бой тарихимиз ва анъаналаримизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Бу ўқув масканида 78 нафар педагог дарс беради. Маърифат тарқатувчиларнинг уч нафари таниқли олимлар — фан номзодларидир.

— Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини унумли ўтказишни ташкил этишга алоҳида эътибор беряпмиз, — дейди Жамол Камолов. — Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ ва ҳушёр бўлиб ҳаракат қилиш жуда муҳим. Тарбиявий соатларда ўқувчи ёшларни умуминсоний, маънавий-маърифий қадриятлар асосида миллий истиқлол, мустақиллик мафкураси руҳида тарбиялаш, одоб, адолат, поклик, гўзалликни ҳис қилиш туйғулари сингдириб борилаётир.

Жиззах маиший хизмат касб-ҳунар коллежида 629 нафар ўқувчига 65 нафар педагог таълим беришаётир. Ўқув даргоҳида ёшларнинг умумтаълим ва профессионал билимлари даражасини ошириш, янги талаблар асосида саводхонликни ўстиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Коллежнинг ўз моддий-техника базасини ривожлантириш борасидаги ишлари айниқса, таҳсинга сазовордир. Маъмурият бюджетдан ташқари маблағлар топиш бизнес режасига асосан ўқув ишлаб чиқариш амалиёти ва бошқа соҳалар бўйича даромад олишга эришди.

Масалан, автомобилларга техник хизмат кўрсатишнинг ўзидан 570 минг сўм, касаначиликдан 376,7 минг сўм маблағ ишлаб топилди. Кимлар учундир эътиборсиз бўлиб кўринган қора метал ва қоғоз парчалари йиғиб топширишнинг ўзидан 603,1 минг сўм даромад олинди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш, устахоналарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ошхонада иссиқ овқат тайёрлаб сотиш каби бир қанча бошқа тушумлар эвазига ўтган йилда 6 миллион 167 минг сўм даромад олди. Албатта бу маблағлар педагог ходимларни моддий рағбатлантириш, байрам тадбирларини ўтказиш, иқтидорли ўқувчиларни мукофотлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ўқувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш учун сарфланганини эътиборга олсак, жуда ҳам хайрли иш қилинган деб айтиш мумкин.

Жиззахдаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг қайси масканида бўлмайлик, талай ижобий ишлар амалга оширилаётганлигининг, педагоглар зиммасидаги вазифани ҳис этиб фаолият олиб бораётганининг гувоҳи бўлдик.

Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, ёшлар таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Шундай экан уларга ўзлигини намоён этиш учун имкониятлар яратиш энг заруур ва долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Ў. КЕНЖАЕВ. ®

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ

Бозор муносабатларига ўтиш даврида молия тизими ва солиқ муносабатларини такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётган мамлакатимизда солиққа тортиш тизимининг энг қулай вариантини топиш устида соҳа мутасаддилари томонидан узлуксиз изланишлар олиб борилмоқда.

Солиқ сиёсати ҳамма даврларда, ҳамма давлатларда ҳам муҳим ҳисобланган. Бугунги кунда ҳар бир давлат ўз зиммасидаги конституцион вазифаларни бажариш мақсадида, кўзда тутилган харажатларни молиялаштириш учун юридик ва жисмоний шахслар даромадларининг бир қисмини солиқ ва мажбурий йиғимлар тарзида ўз хазинасига қонуний йиғиб олади. Мустақиллик йилларида давлатимизда солиқ сиёсати шаклланди ва узлуксиз равишда такомиллашиб бормоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” номли китобида таъкидланганидек: “Солиқлар тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарор суратда тўлдириб турилишини таъминлайдиган кичик ва хусусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирадиган пишиқ-пухта солиқ сиёсатини олиб бориш керак”.

Солиқ сиёсатининг қай тарзда олиб борилиши мамлакат тараққиётига сезиларли ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Бу жараён жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларда ҳам ўз аксини топаётгани сир эмас. Энг муҳими, бу борада адолат тамойиллари билан тенглик принципларига риоя қилинган ҳолда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Солиқ юкини ҳар томонлама фойдали йўллар бўйича пасайтириш корхоналар учун бир қатор енгилликларни юзага келтиради, уларнинг айланма маблағлари кўпайишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, ишчиларнинг ойликларини оширишга, солиқ солиш базаларининг кенгайишига ва солиқ тушумларининг кўпайишига йўл очади.

Энди рақамларга мурожаат қилсак. Мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони 2007 йилга келиб 350 мингдан ортиб кетди. Бу эса 2000 йилдагига нисбатан қарийб 2,5 баробар кўпдир. Уларнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши ўрта ҳисобда 44 фоиздан ортди. Бу ютуқлар юртимиз солиқ сиёсатини олиб боришда тўғри йўлдан бораётганлигининг яна бир исботидир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ривожланаётган мамлакатлар саноати ва ишлаб чиқариш соҳаси ривожида одил солиқ сиёсатининг ўрни ниҳоятда муҳимдир.

Қаҳрамон АБДУРАҲИМОВ,
Хуснидин МАНСУРОВ,
Давлат солиқ хизмати ходимлари.

ЎзМТДП туман кенгашларида

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИБ

ЎзМТДП С.Раҳимов туман кенгаши ташаббуси билан Глиэр номли Республика махсус мусиқа академик лицейида ғазал мулкининг султони, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллиги муносабати билан адабий кеча уюштирилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Раъно Зарипова, партия фаоли, «Гулхан» журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраев, Учтепа туман кенгаши раиси Ўлмасбек Хўжаевлар сўзга чиқиб, шоирнинг ҳаёт ва ижод йўли, авлодларга қолдирган бебаҳо мероси ҳақида гапиришди. Лицей ўқувчилари шоир ғазалларидан намуналар ўқишди. Улар ижросидаги қўшиқ ва рақслар даврага файз киритди.

* * *

Учтепа туманидаги имкониятлари чекланганлар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежида эса Мирзо Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан тадбир ўтказилди.

Унда таниқли ёзувчи Аббос Саид, «Олтин қалам» газетаси бош муҳаррири Назира ас-Салом, «Тонг юлдузи» газетаси мухбири Ахтамқул Карим, ёш ижодкорлардан Даврон Ражаб ва Ўлмасой Нишоновалар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар шоирнинг ўзига хос ижод йўли, бетакрор асарлари, уларнинг ёшларнинг маънавий оламини бойитишда тутган ўрни, аждодлар меросини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида гапиришди. Коллеж раҳбари Г.Дубровина тадбирни ташкиллаштиришда ташаббус кўрсатган «Миллий тикланиш» партияси фаолларига миннатдорчилик билдирди.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА.

ҲАДИСЛАР ТАРБИЯ МАНБАИ

Бутун дунёда рўй бераётган глобаллашув натижасида миллий маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдидлар кучайиб бораяпти. Ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш, халқимизнинг минг йиллар давомида тўплаган эзгу фазилатларини улар қалбида камол топтириш зарурияти пайдо бўлаётир. Бу эса ўз навбатида ҳар бир педагогдан тарбия жараёнига янгича ёндашув билан қарашни талаб қилади. Ёшларимиз маънавий тарбиясини камол топтиришда ҳадисларнинг ўрни беқиёсдир. Бунга кўп йиллик педагогик тажрибам давомида ҳам ишонч ҳосил қилганман.

Бадиий адабиёт намуналари ҳам инсон маънавиятини камол топтиришда муҳим восита эканлигини яхши биламиз. Айниқса, адабиёт дарсларида ҳадислардан фойдаланиб, янги педагогик технологиялар асосида дарсларни қизиқарли ва мазмунли ташкил қилиш зарур. Ўзбек тили ва адабиётидан дарс бераман. Фикрларимни 7-синф адабиёт дарслигига киритилган ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикояси мисолида изоҳлаб берсам.

Иш режамизда бу ҳикояни ўтиш учун уч соат муддат ажратилган бўлиб, унинг икки соатида матн билан танишиб чиқилади, бир соатида асар таҳлил қилинади. Таҳлил бир неча босқичда амалга оширилади. Ўқитувчи бу ишга ижодий ёндашиб, педагогик технологиянинг топқирлик, унверсион каби йўналишларини танласа, янада қизиқарли бўлади. Мен кўпроқ топқирлик ва универсион йўналишлардан фойдаланаман. Бу йўналишда ҳадисларга мурожаат қиламиз. Дарсда йирик ҳарфлар билан ёзилган бир қанча ҳадислар ёзув тахтасига илиб қўйилади. Ана шу ҳадислар ичидан ўқувчилар ҳикоя билан боғлаш мумкин бўлганларини ажратиб олишади.

Қадрият

Масалан, “Меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутма” деган ҳадисни ҳикоядаги чўпон ва унинг аёлидаги меҳмондўстлик сифати билан боғлаб, фикрларини эркин баён қилишади. “Ёнидаги қўшниси оч туриб, ўзи қорнини тўйғазиб юрадиган одам мўмини комил эмасдир” ҳадисини чўпон образининг кўнгли очиқлиги билан қиёслаш мумкин. “Бировнинг молини ноҳақ ўзлаштириш ёки қонини тўкиш ишларига ёрдам берган одам ўзига дўзахни вожиб қилган бўлади”, “Меҳмон кутишнинг муддати уч кундир. Ундан ортиғи садақа ҳисобланади. Бировга қилинган ҳар бир яхшилик ҳам садақадир” каби ҳадисларни ўқувчилар ҳеч қийналмасдан матн билан боғлашлари мумкин. Уларнинг ҳар бирини ўқитувчининг ўзи ҳам чуқур шарҳлаб берса, ўқувчиларнинг қалбида меҳмондўстлик, саховат, яхши қўшничилик, ҳаромдан ҳазар қилиш каби миллий маънавиятимизга хос ҳис-туйғуларни юксалтира олади.

Миллий тарбиямизнинг муҳим манбаи бўлган ҳадислардан қандай фойдаланиш муаллимнинг ижодкорлигига боғлиқ. Шу ўринда ҳамкасбларимни бу борада янгиликлар қилишга ундагим келади. Ахир, айтадилар-ку, фикрдан фикр туғилади, деб.

Шоҳида БОЙНАЗАРОВА,
Тошкент шаҳридаги
150-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси.

ЭКОЛОГИЯ ВА ЁШЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгашида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг шаҳар филиали, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизлик сиёсати: жамият ва шахс ҳимояси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, Тошкент автомобиль йўллар институти талабалари, бир гуруҳ партия етакчилари иштирок этишди.

Йиғилишда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали раҳбари Б. Мамадиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Раъно Зарипова, ФЖЎИ илмий ходими Р.Саидов, навоийшунос олима С.Ғаниевалар сўз олиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ёшлар маърузачиларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Музокараларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари фаол қатнашишди. Улар атроф-муҳитни муҳофаза қилишда назарий ва амалий тадбирлар уюштириш, ёшлар акцияларини ташкил этиш, жойларда экологик мавзулардаги тадбирларни ташкил этиш борасидаги таклифларини айтишди.

Гули ОЛИМОВА.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Косово масаласида аниқ бир келишувга эриша олишмаяпти.

Давлатлар тан олиши керак

Ҳозирда Россия, Хитой, ЖАР, Вьетнам, Ливия ва Индонезия Сербия нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаётган бўлса, Бельгия, Хорватия, Германия, Италия, Франция, АҚШ ва Буюк Британия Косово мустақил давлат бўлишини исташаяпти. Бу ҳақда халқаро ҳамжамиятнинг интернетдаги сайти хабар берди. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Косово мустақиллигини БМТ котибияти эмас, балки давлатлар тан олиши натижасида ҳал этилиши мумкинлигини билдирди.

Мухолифатчилар кўп ўрин олиши мумкин

«Рейтер» ахборот агентлиги хабарига кўра, Покистонда бўлиб ўтадиган парламент сайловларида мухолифатдаги партиялар кўп овоз тўплаши мумкин. Ҳар уч сайловчидан икки нафари Покистон халқ партияси ва Покистон мусулмонлар лигасига овоз бергани айтилмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатдаги парламент сайловлари аслида жорий йил 8 январида ўтказилиши керак эди. Бироқ собиқ бош вазир Беназир Бҳуттонинг ўлдирилиши умумхалқ тадбирининг кечиктирилишига сабаб бўлди. Сайлов натижалари ҳафта охирига қадар эълон қилинади.

Жаҳон ҳафта ичида

Қуёшга ўхшаш сайёра

Астрономлар коинотда Қуёшга ўхшаш янги сайёра тизимини топишди. Олимлар мазкур сайёра Ердан 5 минг ёруғлик йили узоқликда жойлашганлигини айтишмоқда. Токио матбуотининг ёзишича, сайёра гравитацион линзалар ёрдамида кашф этилди. Мазкур тадқиқот иши бир неча йиллардан буён олиб борилаётган эди. Унга 11 та мамлакат олимлари жалб қилинган.

Авиаходимлар ишга қайтишди

Бундан тўрт ҳафта аввал Париж аэропорти авиадиспетчерлари иш ташлашган эди. Куни кеча улар яна иш жойларига қайтишди. “Рейтер” агентлиги хабарида келтиришича, авиаходимлар Франция транспорт вазирлиги билан баҳсли масалани келишиб олишди.

Гап шундаки, Франция ҳукумати 2015 йилгача мамлакатда ягона диспетчерлик марказини яратиш ҳақида фикр билдирганди. Шу боис икки ўртада зиддият вужудга келди.

Франция транспорт вазири Доминик Буссеро сўзларига кўра, янги марказни қуриш масаласи ҳали яна касаба уюшмаси билан бамаслаҳат кўрилади.

Энг арзон уяли телефон



Ҳиндистонинг “Spice” холдинг компанияси дунёдаги энг арзон уяли алоқа телефонларини сотувга чиқарди. “Таймс” журнали маълумотига кўра, телефон нархи 20 долларга тенг. Компания бир йилда бундай телефонлардан 10 миллион дона сотишни режалаштирмоқда.

Яқин вақт оралиғида компания қиймати 10 доллардан 20 долларгача бўлган мобиль телефонларини сотувга чиқармоқчи.

Хорватиянинг “Jutarnji list” газетаси мамлакат бош вазири Иво Санадер номидан бир талабанинг интервьюсини бериб юборди.

Бош вазир номидан гапирган талаба

Гап шундаки, ёш йигитча электрон манзил орқали таҳририятга бош вазир номидан хат йўллаган.

Аслида воқеа бошқача бўлганди. Газета муҳаррири Давор Буткович бош вазирга телефон қилиб, ундан интервью беришини сўраган. Бироқ муҳаррир телефон рақамини адаштириб, бош вазирга эмас, 23 ёшли талабага сим қоққан.

Мазкур интервью Хорватиянинг Европа Иттифоқи ва НАТО билан муносабатлари ҳақида бўлди.

Қайлардасан,
омонмисан,
бормисан,
Тўрт бўлди-ку кўзим
йўлларинг кутиб.
Ё аразлаб кетиб
қолган ёрмисан,
Қайт-да энди
гиналарни унутиб.

«Наврўз оҳанглари»
Ортиқали ҚОЗОҚОВ чизган сурат.

НАБОТОТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Кўркам табиатнинг бир бўлаги бўлган ўсимликлар оламининг мўъжизакор хислатларга эга бўлишини ҳар қадамда кўриш, ажабтовур томонларини ўқиб ёки эшитиб, ҳайратга тушиш мумкин.

Совун билан сийлайди

Америка Қўшма Штатларининг Флорида яриморолида ғаройиб хусусиятли дарахт ўсади. Унинг қиёмига етиб пишган мевалари билан ювилган хўжалик ашёлари ва кийим-кечаклар тезда очилиб, гардлардан холи бўлади. Ўсимлик «илтифоти» бўлган совун таркибида шопирувчи-сапонин моддаси салмоқли миқдорда бўлиб, у атроф-муҳитни ювинди сувлари билан ифлосламайди.

«Меш» дарахти

Табиат инжиқликларига мослашиш ўсимликлар оламига ҳам хос нарсадир. Австралияда брахихитон деб номланадиган дарахт ўсади. Унинг ажойиб томонларидан бири шундаки, у ёғин-сочин вақтларида ўзининг қувурсимон танасига кўп миқдорда сув йиғиб, ғамлаб олади. Айни қурғоқчилик дамларида эса ана шу сувлардан ўз «ҳаёти-фаолияти» учун тежамли фойдаланади.

Тўртбурчак дарахтлар

Хитойнинг Чжэцзянь вилоятида ажабтовур хислатли дарахт борлиги қайд қилинди. Бу дарахтнинг танаси одатдагидек доира, кунгурали бўлмай, балки квадрат шаклини ташкил қилган. Бундай антиқа кўринишда бўлган 120 та дарахт 50 квадрат метр келадиган майдон сатҳини эгаллаган. Ҳозирда бу ўсимликнинг ўзига хос табиати атрофлича ўрганилмаган: бу кўҳна замон соҳибкорларининг ажойиб ишими ёки мўъжизакор табиатнинг ноёб совғасими, ҳали сир-синоати очилмаган.

Маннон НАБИЕВ тайёрлади.

ЯЛПИЗ СОМСА

Ҳажвия

Маҳалламизда муллanамо Зайниддин деган киши бор. Ўзи жуда ўқимишли, дилкаш одам. Бўш вақтим бўлди дегунча чиқиб ҳангомалашиб ўтираман.

Бир куни ишдан қайтаётсам, эшик олдида турибди.

— Ҳорманг, мулла Собир! — дейди.

— Бор бўлинг! — деб бориб кўришдим,

Зайниддин ака кулди:

— Сомсага қалайсиз, сомсага?

— Қани энди, — дедим мен ҳам кулиб, — айниқса ялпизлигидан бўлса... Фасли баҳор дегандай...

— Унда тезроқ ювиниб, бизникига чиқинг. Бугун муридларимдан назр олдим... — қўшним кулимсираб уйга кириб кетди.

«Зайниддин ака яна бир антиқа ҳунар кўрсатибди шекилли-да», — деган хаёл билан кийимларимни алмаштириб, қўшнимникига равона бўлдим.

Кирсам, Зайниддин ака олдига нақшбанд хонтахтани қўйиб, чўкка тушиб ўтирибди. Хонтахтада бир тоғора иссиқ сомса!

Билакни шимариб сомсаларни қийратишга киришдик. Ора-сира сўраб қўяман.

— Гапира қолинг энди, амаки. Бу жониворларни қайси дард кўрмагур пиширган?

— Сал қоринни алдаб олинг, иним, кейин айтаман, — деди-ю Зайниддин ака хушбўй ялпизли сомсани пуф-пуфлаб тушираверди...

Тоғоранинг таги кўринай деганда, у ялпиз сомса тарихини айтиб берди.

... Бундан бир ойча аввал Зайниддин ака чорбоғини айланиб юрган экан, ён эшик ғийқиллаб очилибди. Қараса, хушрўйгина бир келинчак турган эмиш.

— Ассалом... — деб таъзим қилибди жувон.

— Ваалайкум ассалом! Келинг, қизим, — дебди Зайниддин ака унга пешвоз чиқиб.

Жувон ийманибгина кирибди-ю супа четига омонат ўтирибди. Кейин муддаосини айтибди:

— Куёвингизнинг дастидан келувдим, мулла ака... Кун ора ичиб келадиган қилиқ чиқарди. Сўккани сўккан. Бир-икки марта ураман деб югурувди, қочиб қутулдим...

— Оббо бадбахт-эй! Вой бетавфиғ-эй! — куёвни койиган бўлибди Зайниддин ака. Кейин жувонни овутибди:

— Ҳа, майли сабр қилинг, қизим, сабр таги сариқ олтин.

— Шунга... бир амал қилиб берсангиз, мулла ака... Зора, ёмонлигини қўйса...

Зайниддин ака келинга бир разм солибди-да, ўйланиб қолибди: «Оёқ-қўли чаққонгина кўринади. Тили ҳам шунга яраша бордир. Энг гап билмайдиган хотин тўртта эзма эркакка дарс беради».

— Майли, сиз ўтиратуринг, мен ҳозир чиқаман, — шундай деб Зайниддин ака меҳмонхонага кириб кетибди. Токчаларни титкилаб кампирининг халта-хултасидан бир ҳовуч жийда топиб олибди. Бир жийдани яхшилаб арчибди. Кейин пўчоғини обдон қириб тозалабди-да, уч еридан кертмак солиб қўйибди. Бир парча қоғозга тез-тез алланарсаларни ёзиб жувоннинг олдига чиқибди.

— Бу эзибички, — дебди қоғозни чўзиб, — куёвнинг овқатига қўшиб берасиз. Мана бу дам солинган жийда пўчоқ. Қачонки куёв тўра жанжал бошламоқчи бўлса, уни оғзингизга солингу қаттиқ тишлаб ўтираверинг. Зинҳор гапирманг. Гапирдингиз — дуонинг дами қайтади. Унда ёмон бўлади. Укдингизми? Энди боринг. Икки ҳафтадан кейин келиб менга йўлиқасиз.

Жувон қайта-қайта миннатдорлик билдириб жўнабди.

Келин уйга келади-ю эзибичкини овқатга қўшади. Жийда пўчоқни нимчасига бекитиб дуонинг карамотини кута бошлайди.

Ой чиқиб алламаҳал бўлганда кўчадан хиргойи эшитилади:

Борма санамнинг
уй-йига,
Санам солар
ўз кўйига...

Хуллас, куёвтўра гандираклаб ҳовлига киradилар. Шу заҳоти келин нимчасидан жийда пўчоқни олиб оғзига солади ва югуриб бориб уйнинг бурчагига чўнқайиб ўтириб олади. Куёв остонадан бақиради:

— Хотин! Ҳо, хотин!

Хотин индамайди. Эр яна бақиради:

— Нега индамайсан? Нима бало, ўлиб қолганмисан?

Хотин тағин жим. Тили ҳар қанча қичиб турмасин, жийда пўчоқни алам билан тишлаб, тек ўтираверади.

— Овқат деяпман сенга!

Хотин зинғиллаб бориб, ўчоқдан овқат келтириб столга қўяди. Эр этигини ечай деб бир-иккин уринади, ечолмайди.

— Этикни торт!

Хотин яна индамай этикни тортади. Эр ҳайрон.

— Чойинг борми?

Хотин соқов одамдай гап-сўзсиз зипиллаб чиқиб кетади. Термосда чой келтиради. Эр тааж-жуб билан ичиб-ейди-ю тўнғиллаб-тўнғиллаб ухлаб қолади...

Эртаси кечқурун эр яна ичиб келади. Бу гал ширакайф. Хотин аллақачон оғзига жийда пўчоқни солиб олган бўлади. Куёвнинг буйруқларини индамай бажо келтиради-ю мунғайиб бир чеккада ўтираверади. Эрнинг фиғони фалакка чиқади:

— Тилинг касилганми, нега миқ этмайсан?!

Хотин дуонинг касридан қўрқиб, оғиз очмайди. Жийда пўчоқни жаҳл билан тишлайди... Шундан кейин эр жиддий ўйга толади: «Бунга бир бало бўлган, ё эси кирган, ё жин чалган. Дард десам, бало дерди. Бир гапирсам, ўнтасини қўндирарди... Йўқ, соғ эмас. Дўхтирга қаратиш керак».

Алқисса, эр аста-секин ичишни камайтиради. Оғзидан боди кириб, шоди чиқмайдиган бўлади. Келинпошша ҳам етти кунлик "соқовлик"дан сўнг чақалоқдай қайта тилга кира бошлайди...

— Олдингиздаги ялпиз сомса ана шу жийда пўчоқдан пиширилган, — деб кулди Зайниддин ака.

— Энди эзибчикига қандай дуо ёзганингизни айтиб берасиз, — деб турибоқолдим. Зайниддин ака кўрсаткич бармоғини ниқтаб ҳазиллашди:

— Ҳа, қув бола! Мени боплаб газетага уриб чиқай дейсан-а? Йўқ, унақаси кетмайди.

Кейин аста ўрнидан турди-да, токчадаги қалин китоб орасидан тўрт букланган қоғоз олиб, олдимга ташлади.

— Мана, ўқинг. Иккинчи нусхасини олиб қолувдим.

— Арабчага кўзим ўтмайди, амаки, — дедим тан олиб. Кейин ўзи ўқиб берди:

— «Эзибички бу турур. Шишадан қувват олиб, суюкли хотинига озор берадиган эрнинг тилига ришта, қўлига куйдирги чиқсин.

Нодон эр бемаза гап қилганда, доно хотин тилини тийиб турмоғи мақбул.

Ўзларингдан тинчиб, ували-жували бўлиб кетинглару мен савобларингга қолай».

Саъдулла СИЁЕВ.

Деҳқон хўжаликлари эгалари диққатига!

Акциядорлик тижорат «Пахта Банк» деҳқон хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзининг янги турдаги молиявий хизматларини таклиф этади.

«Пахта Банк» деҳқон хўжаликларига ўз шахсий томорқаларида мева-сабзавот ва картошка етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева ва узум кўчатлари, минерал ўғит ва кимёвий воситалар сотиб олишга микрокредитлар ажратилишини маълум қилади.

Микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида минерал ўғит, кимёвий воситалар ва уруғликлар сотиб олиш учун 2 йил муддатга, кўчат сотиб олиш учун 5 йил муддатга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида берилади.

«Пахта Банк» томонидан микрокредитлар ажратишнинг ички тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу тартиб билан танишиш ва ундан фойдаланиш учун банкнинг туман филиаллари ва минибанк шахобчаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

«ПАХТА БАНК» — СИЗЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ МАДАДКОРИНГИЗ!

«ПАХТА БАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Тафаккур гулшани

ЁНИБ ТУРГАЙ ТОКИ УМР ЧИРОҒИ...

Ҳаётни севасанми? Севсанг, вақтни бой берма, чунки вақтдан ҳаёт деган мато яратилади.
Б. ФРАНКЛИН.

* * *

Ҳадеб ўйлайверган одам ҳамиша ҳам тўғри қарорга келавермайди.
И. ГЁТЕ.

* * *

Олижаноблик ҳақида мушоҳада юргизиш, бу ҳали олижанобликни билдирмайди, худди шунингдек, одиллик ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам амалда одил бўлиш деган гап эмас.
АРАСТУ.

* * *

Бири маҳв бўлаётган жойда икки киши бирлашиб, бир-бирини қутқариши мумкин.
О. БАЛЬЗАК.

* * *

Ўз кўнглини кўтаришнинг энг яхши йўли кимнингдир кўнглини кўтаришдир.
Марк ТВЕН.

* * *

Ҳар бир хайрли ишни иккинчиси билан шундай маҳкам боғлаб юбориш керакки, улар ўртасида заррача ҳам оралиқ қолмасин — мана шуни мен ҳаёт роҳати деб атайман.
Марк АВРЕЛИЙ.

* * *

Сускаш одамнинг умри омадсизлик билан олишувга кетади.
ГЕСИОД.

* * *

Инсон меҳнат қилаётган вақтдагина том маънода инсонга айланади.
Ж. ГЮЙО.

* * *

Доно билан сўзлашганда камгап бўл.
Катта КАТОН.

* * *

Давлатнинг қадр-қиммати охир-оқибат уни ташкил қилган шахслар қадр-қимматига боғлиқ.
Ж. МИЛЛЬ.

* * *

Бошқалар қусурини афв эта олиш юксак камолот белгисидир.
Г. ВИНКЛЕР.

* * *

Тараққиётнинг чинакам белгиси — бойлик ёки таълим даражаси эмас, шаҳарнинг катталиги эмас, ҳосилнинг мўл-кўллиги ҳам эмас, балки шу ўлка бағрида тарбия топган инсон қиёфасидир.
Р. ЭМЕРСОН.

* * *

Инсон қанчалар ажойиб, агар у чинакам инсон бўлса.
МЕНАНДР.

* * *

Вақтни бой бериш ўз-ўзини қатл этиш билан баробар.
Ж. ПЕКК.

* * *

Умид юрак ёрилиб кетмаслиги учун қалқондир.
Т. ФУЛЛЕР.

* * *

Дунёда ўзи учун муносиб иш тополмаган одам энг бахтсиз одамдир.
Т. КАРЛЕЙЛЬ.

* * *

Сўз ҳамиша ишга нисбатан ботирроқ бўлади.
Ф. ШИЛЛЕР.

* * *

Истак — фикрнинг отаси.
В. ШЕКСПИР.

* * *

Бир одамга қилинган адолатсизлик барчага қилинган даҳдаҳадир.
Ш. МОНТЕСКЬЕ.

* * *

Кўп гапириш билан кўп фикр айтиш бошқа-бошқа нарса.
СОФОКЛ.

* * *

Ҳамма учун бахт — ҳамманинг аҳил меҳнати билан яратилади.
Г. ИБСЕН.

* * *

Эзгулик — илм эмас, у фаолиятдир.
Р. РОЛЛАН.

* * *

Номуносиб воситаларни оқловчи мақсад ҳеч қачон юксак мақсад бўлолмайди.
А. ЭЙНШТЕЙН.

М. ҒАФУРОВ тайёрлади.

ООО «Dream-Team» в Юнусабадском районе ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по телефону 225-97-07.

ДХО «Автотеххизмат кўрсатиш» объявляет о реорганизации предприятия с ДХО «SANOATTEXMONTAJ» в города Чирчике. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по т. (37071) 25-602.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш ижтимоий-сиёсий газета MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*
® - *Тижорат материали*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 123.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2848
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди — 20.00